



ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
BAZIRЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

● 1995 йил, 30 март, пайшанба № 38 (520)
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО
ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА
ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 30 марта 1995 г. № 38 (520)
Газета издается с 24 июня 1992 г.

● Сотувда
эркин нархда

● В розницу
цена свободная

2

ОНА НОМАСИ

3


ХАРБИЙ
ЛИЦЕЙЛАРГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ҚОЙДАЛАРИ

4

5



ТЕЛЕПРОГРАММА



Ташкент

Москва

Алматы

6

ИНДИЙСКИЙ
ГОРОСКОП

7

ЗНАЕМ ЛИ МЫ
ФРАНЦИЮ?

8

ФУТБОЛ-95

Президентга гувоҳнома топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия Раиси Қудратилла Аҳмедовни қабул қилди.

Қ. Аҳмедов мамлакатимиз раҳбарига Республика Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги қарори асосида 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми якунига биноан Президент Ислам Каримовнинг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, оқилолиги, ақиллиги ва меҳрмуҳаббатининг мужассамидир. — деди Юртбошимиз.

Ана шу сиёсий тадбир амалга ошираётган ишларимизни, иқтисодий-иқтисодий сиёсатимизни халқ қандай баҳолаётганини назардан ўтказиш имконини берди. Зотан, порлоқ истиқболга ишонган халқимиз буюк келажак йўлида бир ёқадан бош чиқариб, улуг мақсадларга бел боғлайди. Вақтинчалик мураккабликларга қарамай, кўтаринки кайфият, яратувчанлик руҳи билан яшайётган азим халқнинг етакчиси бўлишдек масъулият зиммада экан, уларнинг ишончини оқлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Маросимда Республика Президентининг Давлат Маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯСИДА

Шу йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия Раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан шу йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми натижалари кўриб чиқилди. Республика бўйича овоз бериш ушшоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғрисида 14 округ комиссияси

тақдим этган баёнларни кўриб чиқиб, овоз бериш республика ҳудудида ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари қошида ташкил этилган 25 участкада референдум тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этди.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11319447 нафар фуқародан 11245028 нафари ёки 99,3 фоизи референдумда қатнашди. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?» деган саволга 11199415 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди, шу жумладан: (Давоми 2-бетда).

П Р И К А З

Начальника Ташкентского гарнизона

27 марта 1995 года № 14 г. Ташкент
О ПЕРЕХОДЕ НА ЛЕТНЮЮ ФОРМУ ОДЕЖДЫ

В соответствии с требованиями статьи 20 Устава гарнизонной и караульной служб Вооруженных Сил, —

П Р И К А З Ы В А Ю:

1. С 03 апреля 1995 года всему личному составу воинских частей, военно-учебных заведений и учреждений гарнизона перейти на ношение летней формы одежды.

Заместитель министра обороны —
начальник Ташкентского гарнизона
генерал-майор К. АБДУЛЛАЕВ,



Курсант Суннат Қодирбоев (суратда) аълочи, ўқув-идроқли йигит. У айни пайтда ушшоқлик билан олиб борилаётган дала ўқув машғулотида фаол қатнашмоқда.

В. БАГАЕВ суратга олган.

● СЛУЖАТ СЫНЫ УЗБЕКИСТАНА

С ВЕСЕННИМ ВДОХНОВЕНИЕМ

Отражаясь в душах и сердцах людей, продолжает звучать эхо мелодичных звуков Навруза. Этот пришедший из глубины веков праздник пробуждения и обновления природы является своеобразным напоминанием всем нам о тесной связи всего мироздания. Слово выглянувшее из-за пасмурных зимних туч солнце, осветил он связующие нас с родной землей нити, которые зазвучали вместе с весенними песнями птиц, будто струны дутара. Обновляющая поступь Навруза коснулась всех, каждого из нас в отдельности, и самых разнообразных коллективов, в том числе и воинских. Тех, кому выпала высокая честь стоять с оружием в руках на страже мирного труда и спокойствия своих соотечественников.

В части, где служит офицер А. Абдуллаев, как и в других воинских частях Вооруженных Сил республики, эта весна наполнена знаменательными и волнующими событиями.

Кроме подготовки к предстоящей весенней проверке — экзамену на профессионализм воинов, личный состав части принял самое активное участие во всенародном референдуме, который еще раз подтвердил высокую сплоченность и единомыслие этого воинского коллектива.

По-другому быть и не могло, считает командир отделения сержант Р. Хужаниёзов из города Ургенча. Ведь так велика забота, оказываемая нам нашим на-

родом и правительством во главе с Президентом — Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Республики. Я и мой товарищи без колебаний отдали свои голоса за продление полномочий до 2000 года нашего Президента И. А. Каримова.

Командование части приложило все усилия для того, чтобы 26 марта весь личный состав имел возможность принять участие во всенародном референдуме. И к 9 часам утра голосование было завершено.

Каждый чувствовал, как его голос влился в единый и сильный хор голосов всего народа Узбекистана. И хотя голосование длилось совсем недолго, этот день был на-

полнен встречами и диалогами, во время которых продолжало звучать единое мнение о продлении полномочий Президента до 2000 года, о том, что воины-узбекистанцы сделают все от них зависящее для прочной защиты рубежей суверенного Узбекистана.

— Все мы понимаем, — сказал командир взвода прапорщик Ш. Хашимов, — что теперь на предстоящей весенней проверке мы должны высокими знаниями и результатами подтвердить свой ответственный статус надежных защитников Отечества. Во вверенном мне подразделении активно готовятся к предстоящему экзамену и помогают своим товарищам сержант Х. Бобаназаров, рядовой М. Усманов и многие другие.

Сильным стимулом для высоких показателей по службе являются и встречи с ветеранами, пример их беззаветного служения Родине, которое явилось залогом Победы над фашизмом.

Некоторые из них ранее служили в этой воинской части и теперь периодически

(Окончание на 2-й стр.)

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ УТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Т. р.	Округлар номи	Овоз берилган учун рўйхатга киртилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	%	Ёллаб овоз берган фуқаролар сони	%	Қарши овоз берган фуқаролар сони	%	Ҳаққий эмас деб топилган бюллетенлар сони
1.	Тошкент шаҳри	1209656	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
2.	Анджон	1018187	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
3.	Бухоро	653553	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
4.	Жиззах	398271	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
5.	Навоий	377226	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	—
6.	Наманган	865985	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
7.	Самарқанд	1180810	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
8.	Сирдарё	302049	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
9.	Сурхондарё	718133	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
10.	Тошкент вилояти	1151008	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
11.	Фарғона	1277540	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
12.	Хоразм	605737	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
13.	Қашқадарё	888081	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
14.	Қорақалпоғистон	673209	672693	99,9	667950	99,3	4366	0,6	377
ЖАМИ:		11319447	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Н. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўз-

бекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса ҳокимиятнинг ҳамма тармоқлари бундан буён ҳам самарали ҳамкорлик қилиши,

мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгиланган ислохотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўёбга чиқариш учун шароит яратди. Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказув-

чи Марказий комиссия қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ваколатлари муддати умумхалқ овоз бериши натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган, деб ҳисобланди.

ЭЪТИБОРГА
ТУШГАН СОЛДАТ

Оддий аскар Паҳлавон Туреунов ҳарбий хизматга Қашқадарё вилояти, Қитоб туманидан қабул қилинган. Қитобга келган плк кўнларидавоқ Паҳлавон шефёрликка иштироки билад эканлигини кўрсатди. У ротада бир ой ичида машинани яхши бонқаришни ўрганди. Паҳлавоннинг хизматидан кўнчилиги, айниқса рота командири, катта лейтенант Валижон Содиқов мамундир.

Сафдошлари, хизматдош, дўстлари ўртасида катта ёбру-эйтибор қозонган Паҳлавон айни дамда ёш ҳайдовчи дўстларига ҳам ёрдам бериб, улар малакасини оширишга ҳаракат қилмоқда. Оддий аскарнинг аъло хизматлари муносиб тақдирланиб, унга бир неча бор Ташаккурнома эълон қилинди. Яқинда Паҳлавонни взвод бўлимаси командири этиб тайинланди. У бу вазифани сиздиқилдан бажармоқда. Қадимда Наврўз арафасида ота-боболаримиз йил бошидан яхши ниятларни кўнуга тугишган. Наврўз айёмлари катта муваффақиятлар билан кутиб олган Паҳлавон яна янги эзгу мақсадларни кўзламоқда.

Оддий аскар
И. АХМЕДОВ.

● СЛУЖАТ СЫНЫ УЗБЕКИСТАНА

С ВЕСЕННИМ ВДОХНОВЕНИЕМ

(Продолжение.
Начало на 1-й стр.)

навещают воинов девяностых. Делятся богатым опытом, вспоминают свои годы молодости, которые так ярко встают перед глазами во время этих встреч.

Всем в части знакомы эти люди. Подполковник в отставке Петр Андреевич Боровков — бывший заместитель командира части, старшина в отставке Гили Валиевич Шайхутдинов, являющийся сегодня председателем совета ветеранов части, Ранса Игнатьевна Сулейманова, работавшая здесь бухгалтером.

Доброе и весомое слово наставников, их жизненный путь несут огромный нравственный потенциал, который так необходим новому поколению, готовящемуся к достойной встрече 50-летия Великой Победы.

Есть среди наставников и те, кто и по сей день служит в данном воинском коллективе. Двадцать пять лет

службы за плечами прапорщика Василия Ивановича Балгарова.

Его знания и опыт играют важную роль в обучении и подготовке водительского состава части. Ведь за плечами военного специалиста — десятки тысяч километров, множество 500-километровых маршей, во время которых закалялись новички, приобретая уверенность в себе и во вверенных им технике и вооружении.

Благодаря прочным связям командования части со многими хокимиятами и урвадениями по делам обороны, налажен тесный контакт с родителями проходящих службу воинов. Потому празднование Наврўза не обошлось без традиционного сумалика, приготовленного родителями, приехавшими навестить совместно с представителями хокимиятов своих сыновей.

Но и самими воинами немало было сделано в эти весенние дни. Так, например, постарались члены

редколлекции, выпустив тематические стенные газеты, редакторы боевых листов.

Среди них — старшина Ю. Аношкин, сержант В. Алиев, рядовой М. Усманов. В особенности многое сделано и делается для оформления наглядной информации в части Музаффаром, за что он неоднократно поощрялся командованием. На высоком уровне выполняет вои и свои должностные обязанности стрелка.

Цветут вишня и урюк, продолжают свое звучание мелодии Наврўза. Вновь происходит извечный процесс обновления природы. Вот и в этот воинский коллектив, как и во все другие, вскоре придет новое пополнение. И не менее вечное понятие, такое как любовь к земле, выкормившей тебя, вдохновит юношей, вставших в армейский строй для выполнения своего конституционного долга.

Старший лейтенант
Р. РЫБНИКОВ,
контр. «Ватанпарвар».

● ҚАЛБ АМРИ

ОНА НОМАСИ

Оналар дил изҳори... Бу хилдаги миннатдорчилик мактублари ҳарбий қисм командирлари номига қўйлаб келади. Қўйида Анджон гарнизонида хизмат қилаётган солдат А. Аҳмадалиевнинг онасининг қисм командирлари номига ёзган қалб туйғуларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ассалому-алайкум ҳурматли ва қимматли, азиз иниларим, офицерлар подполковник Б. Г. Фролов ва капитан Р. О. Қурбонов!

Сизларга аввало гўзал Намангандан кўндан-кўн саломлар йўллайман. Сизлар юборган миннатдорчилик хатини олиб бениҳоят хурсанд бўлдим. Тасодифни қарангки, бу мактуб тугилган кунимда етиб келди. Мен учун энг катта муқофот шу

эмасми? Она учун бундан ортиқ бахт борми дунёда! Бошиқа ота-оналарни билмадим, мен сизларга чин дилдан газета орқали жавоб хати ёзгим келди.

Менинг азиз болам ҳақида шунчалки ижобий фикрда эканликларингиздан кўндан-кўн миннатдорман. Ўғлимни ҳарбий хизматга жўнатишимдан олдин хаёлимда бир фикр юрарди: «Боламни мендек эҳтиёт қиладиган, меҳрибонлик кўрсатдиган командирлари бўладикун!» деб тўғри ўйлаган эканман. Акбаржоннинг дил сўзларидан, сизлар юборган хатдан бу кўрниб турибди.


Акбаржон ҳақида ёзсам. Ўғлим мактабда ҳам жуда кўп мақтов ёрлиқлари олиб ўқиган. Ҳамма фанларга бирдек қизиқарди. Расм солишга жуда уста. Тугма та-

ланги бор. Унинг иеми ҳам улуғ, ўзига муносиб. Уй ишларида у менинг энг яқин ёрдамчим эди. Бир нарсани айтишни лозим деб топаман. Акбаржон ўқиган мактабдаги чақирқиқача тайёргарлик фани ўқитувчиси менга жуда кўп маслаҳат берарди. «Ўғлингиз маънавий, руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан етук бола! Ҳарбий биллим юртига ўқишга юборсангиз яхши бўларди», дерди.

Ўғлимнинг ҳаётини, равон йўлини белгилашда ёрдамчингизни аямайсиз, деб, умид қилиб қоламан. Ватан ўғлонларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб ишларингизда катта зафарлар ёр бўлсин!

Омон бўлинглар!
Сизларга чекенз ҳурмат ва камоли эҳтиром билан солдат онаси Дилбархон АХМАДАЛНЕВА,

ТАБРИКНОМА!



Катта лейтенант иним ОТАНАЗАР!

1 апрель — таваллуд кунинг билан самимий табриклаб, сизга узоқ умр, мустаҳкам сийҳат-саломатлик, оқлавий бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли хизматингизда муваффақиятлар тилайман.

Капитан акант ХУДОЙНАЗАР.

Ҳурматли падари бузрукворимиз (Жумабой ота ТОШМАТОВ)!

75 ёшли қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сиз егир кунларни бошдан кечирдингиз. Уруш даҳшатларини кўз билан кўриб, гоёта душвор дамларда элу юрт қорига ярадингиз. У кунларни келажак авлод кўрмасин. Бугунги осойишта ва дорилмомон оилар сиз ва сиз каби мард ва танти отахонлар хизмати ҳамда ҳиммати самараси эканлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Бахтимизга доимо соғ ва омон бўлинг, деб

Ўғилларингиз: Муҳаммаджон, Сотиболди, қизларингиз: Гулчеҳра, Зулхумор, Клара, невараларингиз: Ойбек, Наргиза, Нафизалар.

ПОЗДРАВЛЕНИЯ!

Рядового ЧЕТВЕРКИНА Андрея Юрьевича поздравляем с праздником весны и обновления!

Желаем крепкого здоровья, успешного завершения службы! Очень любим и ждем.

Сестра, Роман, Николай.

Дорогая бабуля АЛЬБИНА МАРАТОВНА, поздравляю с 60-летним юбилеем! Желаю здоровья, веселого настроения и всего наилучшего!

Служащая ВС Ахметшина З.

Дорогой наш сын - Фарход СОЛНМОВ!

Поздравляем тебя с наступившим праздником весны — Наврузом и днем твоего рождения! Желаем крепкого здоровья, успехов в воинской службе. Пусть удача всегда сопутствует тебе. С нетерпением ждем скорого твоего возвращения.

Любящие тебя папа и мама,

● МАРҲАМАТ, ТАНИШИНГ!

ҲАРБӢЙ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОНДАЛАРИ

Редакциямизга келадиган хатлар орасида ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейларига қабул қилиш қондалари, у ердаги ўқиш ва яшаш шартини, мазкур билим даргоҳларини тугатганларга бериладиган имтиёзлар ҳақида маълумот ёритишимизни илтимос қилиб битилганлари ҳам тез-тез учрайди.

Кўй соғли муштарийларимиз илтимосини бажо келтириш мақсадида Тошкентдаги Республика ҳарбий лицей маъмуриятига мурожаат қилдик ва қуйидаги маълумотларни олддик.

I. ҚАБУЛ ШАРТИ.

1. Ҳарбий лицейга Ўзбекистоннинг маҳаллий миллатига мансуб, кириш йилида таълимнинг IX синф маълумотига эга бўлган, намунали ва яхши ҳуқуқли, жисмонан соғлом ва қобилиятли ўсмирлар танлов асосида қабул қилинади.

2. Шунингдек, бонча миллатга мансуб ўсмирлар умумий қондалар асосида қабул қилинади.

3. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши, тили ва миллатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

4. Ҳарбий лицейга кирувчилар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- директор номига ўқувчининг ҳарбий касбларга йўналтириш бўйича Республика лицейини тамомлаганидан сўнг ҳарбий ўқув юртида ўқишни давом эттириши ҳақида ота-онаси ёки уларнинг ўрнини боса оладиган шахс аризаси;
- номзоднинг ўқишга кириш ва офицер бўлиш ҳақидаги Республика лицейи директори номига аризаси;
- маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха);
- таржимаи ҳол;
- тузилганлик ҳақидаги гувоҳномадан 2 нусха кўчирма;
- Республика лицейига киришига лаёқатлилиги тўғрисидаги тиббиёт варақаси (яшаш жойидаги туман мудофаа ишлари бўлими орқали);
- электрокардиограмма;
- флюорография;
- бурун бўшлиғининг рентгенда олинган сурати;
- қон, сийдик, ахлатнинг анализлари;
- профилактик эмланишнинг тиббиёт варақаси (мактабдан);
- мактаб директори ва синф раҳбари имзо чеккан характеристика;
- тураб жойидан маълумотнома;
- ота-онасининг ёки улар ўрнини боса оладиган шахснинг иш жойидан маълумотнома;
- 3 x 4 (4 дона), 4x6 (6 дона) ҳажмдаги бонч кийимсиз фотосурат.

II. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

1. Ҳарбий лицейга ҳужжатлар қабул қилиш 10 июндан 31 июлгача амалга оширилади. Қабул синовлари (оғзаки ёки ёзма имтиҳон, тест синовлари, суҳбат) қабул ҳайъати тасдиқлаган жадвал асосида 15 августдан 25 августгача ўтказилади.

2. Ҳарбий лицей қабул ҳайъати томонидан тузилган қабул синовларининг шакли ва услублари (алоҳида фанлардан оғзаки ёки ёзма имтиҳон, тест, суҳбат ва бошқа) халқ таълими вазирлиги билан келишиб, лицей директори томонидан тасдиқланади.

3. Ўқувчиларнинг лицейга қабул синовлари мазкур муассасада ўқиш олиб бориладиган тилда ўтказилади. Танловнинг IX йиллик таълим дастурлари асосида бўлиши таъминланади.

4. Тиббий кўриқдан муваффақиятли ўтган ўсмирлар қабул синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Ўқувчилар қабул синовидан (имтиҳон, тест синов, суҳбат ва бошқа) тўплаган умумий баллари бўйича қабул қилинади. Қабул қилинувчилар билимининг баҳолаш мезони қабул ҳайъати томонидан белгиланган 5 балли тизим асосида ўтказилади.

6. Даъвогарларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган ҳолда қуйидаги шахслар имтиёзга эга:

— етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;

— лицей ихтисоси йўналишидаги фанлардан мактабда 5 (аъло) баҳога эга бўлган ўқувчилар;

— кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

7. Танловдан муваффақиятли ўтганлар муассаса директорининг буйруғига асосан лицей ўқувчилари сафига қабул қилинади.

8. Ўқув йили давомида онлавий ва бошқа шартларга кўра яшаш жойини ўзгартирган турдош лицей ўқувчилари ёки лицей талабларига жавоб берадиган умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари қабул ҳайъати қарори билан лицейга (бўш ўрин бўлган тақдирда) қабул қилиниши мумкин.

9. Лицейга ўқувчилар қабул қилишнинг шакли ва услублари ҳақидаги маълумотлар лицей қабул ҳайъати томонидан оммавий ахборот воситалари орқали эълан қилинади.

10. Ярим йиллик ёки йил якуни бўйича ўтказилган синовларда билим даражаси лицей талабларига жавоб бермаган ўқувчилар лицейда ўқишдан четлатилади.

11. Қабулга тааллуқли бўлган барча масалалар ли-

цейнинг қабул ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳарбий касбларга йўналтирувчи тўртта Республика лицейи мавжуд бўлиб, улар Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида жойлашган. Барча ҳарбий лицейларга қабул шартлари ва яшаш шартлари бир хил. Лицей ўқувчилари ўқиш даври мобайнида кунига тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланади. Ўқув муассасаси ҳудудида жойлашган ётоқхонада истиқомат қилишади.

Лицейларда ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари, маънавий ва жисмоний камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Турли тўғарақлар ва спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда.

Лицейларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга Ўзбекистондаги ҳарбий билим юртиларига йўлланма берилади. Бунда, яъни касб танлашда, ўқувчиларнинг хоҳиши ҳам албатта инобатга олинади.

Тиббиёт комиссияси кўригидан ва мутахассислик танловидан, шунингдек, жисмоний тайёргарлик имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган лицей битирувчилари ўзлари танлаган ҳарбий билим юртилари курсантлари сафига киритилади.

● РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА

ДАВР ТАҚОЗО ЭТГАН ҲАМКОРЛИК

Молдова Республикаси Европа қитъасининг жануби-шарқидаги мамлакатдир. У илк бор замин харитасида 1924 йилда Украина таркибидаги мухтор республика сифатида қайд этилди. 1940 йилда эса собиқ Иттифоқ таркибида Молдавия ССР ташкил қилинди. Совет ҳокимияти йилларида Молдавия асосан хом ашё етиштирувчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи ўнлаб айланмаган ади. Қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг энг муҳим сектори бўлиб келди. 1990 йилда Молдавия собиқ Иттифоқда етиштирилаётган узумнинг қарийб 18 фоизини, виноароқ маҳсулотларининг 16 фоизини, тамаки маҳсулотларининг 26 фоизини етказиб беради. Маккажўхори, қишқик бутдой, қандлавлати, мева етиштириш ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади.

М. Гербачёвнинг ичкилик-бозликка қарши кўр-кўрона кураш сиёсати оқибатида узумзорлар яқсон қилинганига қарамай, Молдова минтақадаги вино етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб қолди.

1991 йилнинг 27 август кунин Молдова халқининг миллий байрами ҳисобланади. Худди шу кун мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилган эди. Шу йилнинг 8 декабрь кунин Мирча Снегур умумий овоз бериш йўли билан Молдова Республикасининг илк президенти этиб сайланди.

Молдованинг олий қонун чиқарувчи органи 104 депутатдан иборат бир палатали парламентдир. Унда мамлакатдаги учта сиёсий куч вакиллари мавжуд. Парламентдаги асосий кўчилигини

Молдова аграр-демократик партияси вакиллари ташкил этади.

Бугунги кунда Молдова Республикасини жаҳоннинг 130 мамлакати мустақил давлат сифатида таниди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилати, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилати, Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон Тикланиш ва Тарақиёт Банки, Қора Денгиз Соҳили Мамлакатлари Ҳамжамияти аъзосидир.

Молдова истиқлолга эришгач, гарб давлатлари, хусусан Европа иттифоқи ва АҚШ билан иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият бермоқда. Руминия, Германия, Хитой, Болгария ва Италия каби давлатларга экспорт маҳсулотларини кўпайтириш ҳукуматнинг истиқболдаги мақсадларидан биридир. Бироқ, айни замонда мамлакат собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган давлатлар билан савдо-сотиқ қилишга мажбурдир. Зеро, экспортнинг 74 фоизи, мамлакатга олиб келинадиган маҳсулотларнинг 71 фоизи ана шу давлатлар ҳиссасига туғри келади. Бундан ташқари ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг қарийб барчасини ҳам Молдова шу мамлакатлардан олади.

Мустақиллигининг дастлабки йилларида азалий савдо алоқаларининг усайиши, Днестр бўйидаги ҳарбий можаро ҳамда четдан келтирилаётган энергетика ресурслари нархининг кескин ошиб кетиши Молдова иқтисодийнинг чуқур инқирозга рўпара қилди.

1991—1993 йилларда буларнинг оқибатида мамлакатда ялли миллий маҳсулот ҳажми 50 фоизга қисқарди. Жаҳон Банки ҳамда Халқаро Валюта Жамғармаси би-

лан ҳамкорлик Молдовадаги иқтисодий ислохотлар жараёнининг бир қадар тезлашувига сабаб бўлди. Ҳукумат иқтисодий ислохотлар ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг батафсил режасини қабул қилди. 1993 йил охирига келиб июн ва сўт маҳсулотларидан ташқари, барча товарларнинг нархи эркинлаштирилди. Мамлакат ҳукумати иқтисодий назорат қилиш мақсадида тегишли тадбирлар белгиледи. Моддий захираларни самаралироқ ишлатиш, чет эл сармоясини кенг жалб этиш, соғлиқ тизими самардорлигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда кредитлар беришни аукцион орқали амалга ошириш борасидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

1993 йил ноябрь ойида Миллий Банк томонидан муомалага киритилган Молдова лейи кўрилган тадбирлар туфайли айни пайтда минтақадаги энг барқарор миллий валюталардан бирига айланмоқда. Мамлакат парламенти 1994 йилнинг 8 апрелида Молдованинг Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлишини ёқлаб фикр билдирди. Бу республиканинг азалий иқтисодий алоқаларини тиклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Молдова МДХ доирасидаги ҳарбий-сиёсий ҳамкорлигини инкор этсада, иқтисодий интеграция борасида алоқаларини мустақамлашга интилятир.

1994 йил 23 августда Ўзбекистон ва Молдова ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Молдова айни пайтда МДХ давлатлари орасида Россия Федерацияси, Украина, Беларусь ва Ўзбекистон Республикасида ўз элчихоналарига эга.

Молдова Ўзбекистонга

электронизоляция маҳсулотлари, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари ва деталлари, мебел, қоғоз, ип газлама, шакар, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Ўзбекистон эса бу мамлакатга мазут, техника мойи, қаттиқ металллар, кимёвий тола, кабел-ўтказгичлар, пахта толаси, қурилиш материаллари, компрессорлар экспорт қилаётди.

Шуни таассуф билан қайд этиш керакки, иқтисодий алоқаларнинг сулғашини мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишига салбий таъсир этди. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон ва Молдова Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 16,3 миллион долларни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 миллион долларга тушиб қолди. Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги икки томонлама ҳамда МДХ доирасидаги ҳамкорлиқнинг мустақамлашгани иқтисодий муносабатларда вуқудга келган бу вазиятни ўнлашга имкон беради.

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 30—31 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Мирча Снегур тақлифига биноан Молдова Республикасига расмий ташриф буюради. Бу ташриф Молдова ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихан шаклланган ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришни, икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий пойдеворини барпо этишда муҳим қадам бўлиши кутилмоқда. Умид қиламизки, бу ташриф халқларимизнинг азалий дўстлигини ва ҳамкорлигини янада мустақамлашди. Зеро, давр тақозо этаётган бу ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдордир.

Амирқул КАРИМ,
(ЎЗА).

● АЛЬТЕРНАТИВНАЯ СЛУЖБА

ДВЕ НЕДЕЛИ В БОЕВОМ СТРОЮ

На базе средней школы, где директором М. Махмутов, недавно были проведены занятия служакцих альтернативной службы Чиназского района Ташкентской области. В ходе занятий под руководством капитана запаса Х. Исмаилова, старшего лейтенанта запаса О. Махмудова, лейтенанта запаса М. Маманоузова освобожденные по различным причинам от несения срочной военной службы юноши, оставшие на две недели свои рабочие места, прошли курс начальной военной подготовки.


Благодаря наличию хороших оборудованных классов, спортивного зала, а также помощи со стороны офицеров воинского подразделения, где служит старший лейтенант Б. Махмудов, занятия прошли на самом высоком организационном и методическом уровне. Служащие альтернативной службы Б. Турсунов, Б. Абдурахманов, С. Абдуллаев и их товарищи получили необходимые знания и навыки по огневой, строевой, физической, тактической подготовке и другим предметам обучения.

Немаловажно и то, что они на две недели ознакомились в строгую уставную жизнь воинского коллектива, получили наглядные уроки воинской дисциплины, собранности, организованности.

По завершении курса обучения и выполнения учебных стрельб из автомата состоялась торжественная церемония принятия Военной присяги.

С боевым крещением, ребята!

М. САБИТОВ,
капитан запаса.



Понедельник

3 АПРЕЛЯ
УзТВ I

17.55 Программа передач.
18.00 «Бугун», Информационный выпуск.
18.10 Студия «Ешлик». «Ях-ылларга эргашиб».
18.45 Образование — основа независимости.
19.15 Футбольное обозрение.
19.25 Реклама.
19.30 «Узбекистон» (рус.).
19.50 Реклама.
19.55 Указ и его исполнение.
20.15 «Букет танцев».
20.40 Вечерняя сказка.
20.55 Реклама.
21.00 «Узбекистон».
21.25 Реклама.
21.30 Насрулло Кабул. «Амир Музаффар». Видео-спектакль. 1-я часть.
22.45 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Нефчи» — «Нурафшон».
23.35—24.00 «Узбекистон».

УзТВ II

Студия «Тошкент» представляет:
18.30 Для детей. «Кузмуничка».
19.00 Экология и жизнь.
19.30 Шедевр дехканши.
20.00 Звезды под небосводом.
20.40—21.50 К 50-летию Великой Победы. «Ожидание». Худ. фильм.

УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Турецкое телевидение.
18.40 Мультикарусель.
18.55 «Нибилармон» («Деловой ориентир»).
«Омад» представляет:
19.15 Сюрприз.
19.45 «4/8». Музыкальная передача.
20.05 Всемирная география.
20.55 Реклама.
21.00 Видео-«О».
22.45 Курьер.
23.05 ...и о погоде.
23.15 Постфактум.
23.20—23.45 Всемирные новости ЭИ-Би-Си.

ТЕЛЕКАНАЛ «ОСТАНКИНО»

18.00 Поэтический альбом.
18.20 «Дикая Роза». Теле-сернал.
19.00 «Если». Ведущий — В. Познер.
19.40 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Время.
20.40 Встреча с А. И. Солженицыным.
21.05 «Проклятие Дюран». Теле-сернал. Фильм 3-й.
22.00 Вспомни Владимира Маяковского.
22.40—23.15 Кабаре «Все звезды».

КазТВ
на казахском и русском языках:

12.35 «Прости». Худ. фильм (каз.).
20.00 Хабар (каз.).
20.45 Актуальный комментарий.
20.55 В музыкальной гостиной.
21.35 Кинофестиваль «Женские куньи» («Четвертая высота», каз.).

Вторник

4 АПРЕЛЯ
УзТВ I

6.00—9.00 «Ассалом, Узбекистон».
8.00 «Весенняя олимпиада, или Начальник хора». Худ. фильм.
9.10 «На службе народу». Телефильм.

9.30 Студия «Ешлик». «Эз-зола».
10.00 Немецкий язык.
10.30 Учебная программа. Литература.
11.00 Школа предпринимательства.
11.30 Учебная программа. Химия.
12.00—14.00 «Умидлар йили» («Год надежды»). Видео-канал.
17.55 Программа передач.
18.00 «Бугун». Информационный выпуск.
18.10 Мультифильм.
18.25 «Тараккиёт» («Прогресс»).
18.55 «Гул куп, чаман куп».
19.25 Реклама.
19.30 «Узбекистон» (рус.).
19.50 Реклама.
19.55 «Память». Народный писатель Узбекистана Шухрат.
20.40 Вечерняя сказка.
20.55 Реклама.
21.00 «Узбекистон».
21.25 Реклама.
21.30 Программа областных студий на УзТВ. На экране — Сырдарьинская область.
22.10 К 50-летию Великой Победы. «А зори здесь тихие...». Худ. фильм. 1-я серия.
23.45—00.10 «Узбекистон».

УзТВ II
Студия «Тошкент» представляет:
18.30 «Путь к пьедесталу» (рус.).
19.00 «Ты помнишь, товарищ...».
19.15 На волне «О2».
19.40 Добрый вечер, Ташкент!
20.40—22.20 Кинематограф.
УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.45 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарусель.
19.00 «Бахор манзаралари».
19.30 «Санта-Барбара».
«Омад» представляет:
20.20—23.20 «Спорт-континент».

УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ

«Омад» представляет:
18.30 Мультикарусель.
18.55 Жизнь зоопарков.
19.15 Новости.
19.20 Приватизация: шаг за шагом.
19.40 Музыка от ЭИ-Би-Си.
20.05 Видеоидея.
20.25 Телеателье-шоу.
20.35 Музыка от ЭИ-Би-Си.
21.15 Кинооко.
22.55—23.15 Всемирные новости ЭИ-Би-Си.

УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Турецкое телевидение.
18.40 Мультикарусель.
18.55 Уроки рыночной экономики.
19.25 Программа телекомпания «Дурдарин».
20.25 Новости телекомпания «Урджинт».
20.45 Моя махалла.
21.30 Узбекистан: пути сотрудничества.
22.10 Новости Би-Би-Си.
22.20—23.00 «Все звезды». Билли Холлидей.

ТЕЛЕКАНАЛ «ОСТАНКИНО»

5.00—8.00 Телеутро.
18.00 Час пик.
18.20 «Дикая Роза». Теле-сернал.
19.00 Тема.
19.40 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Время.
20.45 К 50-летию Победы. «Зову живых». Худ. фильм «Четвертый» («Мосфильм», 1972 г.).

КазТВ
на казахском и русском языках:

12.35 «Гаухар тас». Худ. фильм. «Казахфильм» (каз.).
19.00 Дорогу осилит идущий.
19.30 Балбокек.
20.45 «Площадь республик». Передача прямого эфира.
21.25 «Каламгер беркайыр аманатин еске алу кешеси».
22.45 «Парк». Худ. фильм. «Азербайджанфильм» (рус.).

КазТВ
на казахском и русском языках:

12.35 «Прости». Худ. фильм (каз.).
20.00 Хабар (каз.).
20.45 Актуальный комментарий.
20.55 В музыкальной гостиной.
21.35 Кинофестиваль «Женские куньи» («Четвертая высота», каз.).

УзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон».
8.00 «Граждане Веселной». Худ. фильм.
9.05 «Кафолат» («Гарантия».)
9.30 «Днёв тароналари». Концерт.
10.00 Студия «Кичкинтой».
«Кудлы — мой друг».
10.30 Учебная программа. Основы информатики и вычислительной техники.
11.00 «Алифбо сабоклари».
11.30 Учебная программа. Математика.
12.00 «Знаете ли вы право?»
12.20 К 50-летию Великой Победы. «Ветераны — наша гордость».
13.10 К 125-летию со дня рождения Авабга Отина.
13.55—14.25 Концерт оркестра народных инструментов им. Доши Закирова.
17.55 Программа передач.
18.00 «Бугун». Информационный выпуск.
18.10 Концерт детского ансамбля «Чаман».
18.35 Студия «Ешлик». «Мои студенческие годы».
19.10 «На страже порядка».
11.30 Учебная программа. Ботаника.
12.00—14.00 Видеоканал «Ешлик».
17.55 Программа передач.
18.00 «Бугун». Информационный выпуск.
18.10 Для юношества. «Исп-

УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Турецкое телевидение.
18.45 Мультикарусель.
19.00 «Бахор манзаралари».
19.30 «Санта-Барбара».
«Омад» представляет:
20.20—23.20 «Спорт-континент».

УзТВ III
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Турецкое телевидение.
18.40 Мультикарусель.
18.55 Уроки рыночной экономики.
19.25 Программа телекомпания «Дурдарин».
20.25 Новости телекомпания «Урджинт».
20.45 Моя махалла.
